



**АМИР ТЕМУР ҚҰШИНЛАРИДА ЛАВОЗИМГА ТАЙИНЛАШ
ТАРТИБИ**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14611187>

Шомуротов Зоҳид Закирович

*Ўзбекистон Республикаси Қурулми Кучлари Академияси
доцент*

Аннотация

Ушбу мақолада Амир Темур қўшинларида лавозимга тайинлаш тартиби, шунингдек, ҳарбий хизматчиларни рағбатлантириш тизими илмий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Калит сўзлар

лавозим, ҳарбий хизматчи, тарбия, ватанпарварлик, мардлик, жасурлик, фидойилик, ишонч, ғалаба.

Аннотация

В данной статье проведён научный анализ о порядке назначения на должности, а также система поощрения военнослужащих в войсках Амира Темура.

Ключевые слова

должность, военнослужащий, воспитание, патриотизм, храбрость, мужество, самоотверженность, вера, победа.

Abstract

This article provides a scientific analysis of the procedure for appointment to positions, as well as the system of incentives for military personnel in the troops of Amir Temur.

Key word

position, military man, upbringing, patriotism, bravery, courage, dedication, faith, victory.

Амир Темур ўз даврининг мукамал ва адолатли ҳарбий бошқарув сиёсатини яратган шахс сифатида ҳозирги кунга қадар бутун дунё тан олиб келмоқда. Сочибқироаннинг ҳарбий бошқарув сиёсати, унинг тафаккури бизгача ёзма манбаларда сақланиб етиб келган.

Шулардан бири “Темур тузуклари” асари. Соқибқирон тафаккурининг маҳсули бўлган “Темур тузуклари” асарида Амир



Темурнинг беқиёс азму шижоати, мардлиги ва жасорати билан Мовароуннахр заминида мўғул зулмига барҳам бериб мустақил ва қудратли давлатга асос солгани ҳақида фикр-мулоҳазалар баён этилган.

“Темур тузуклари”да қайд этилганидек, давлат тузилиш, бошқаруви ва тараққиётида ҳарбий лавозимларга тайинлаш масаласи муҳим аҳамият касб этган. Бу атамалар қомусий ва изоҳли луғатларда жуда кенг таърифланган ва шарҳланган. Жумладан, лавозим (арабча: لوازيم) – муассаса, идора, ташкилот ва шу каби бирор расмий хизматни бажариш билан боғлиқ бўлган ўрин, амал ва мансаб.

“Темур тузуклари”да лавозимга тайинлаш тизими пухта ишлаб чиқилган. Мазкур тизим қуйидаги қоидалардан иборат бўлган:

Қачонки асл сипоҳийлардан иш кўрган, жангу жадал билан суяғи қотган ўн киши йиғилса, булардан қайси бирининг шижоати, ботирлиги ортиқроқ бўлса, қолган тўққизтаси ўз розилиги ва маъқуллаши билан, уни ўзларига сардор қилиб, отини ўнбоши деб атаганлар. Ўн нафар ўнбоши жам бўлса, ўз ичларидан энг иш кўрган, жанг майдонларида тобланиб, тажриба орттирган, баҳодирликда номи чиққан бировини амир қилиб, уни юзбоши деб номлаганлар. Агар ўн юзбоши йиғилса, амирзодалардан ақли, шижоатли, баҳодир бир кишини амир этиб сайлаб, уни мингбоши деганлар ва амири ҳазора дея мурожаат қилганлар. Агар бирон кимса ўлса ёки қочиб кетса, ўрнига янги кишини тайинлаш ўнбошиларнинг ихтиёрида бўлган. Шунга ўхшаш юзбошилар ўнбошиларни, мингбошилар юзбошиларни тайинлаган. Уруш кунларида ва салтанат ишларини бошқаришда мингбошининг ҳукми юзбошига, юзбошиники ўнбошига, ўнбошиники эса қўл остидагиларга жорий этилган. Ким бу қоидага қаршилиқ қилса, у жазога тортилган. Уруш вақтида ким камчиликка йўл қўйса, у четлаштирилиб, ўрнига бошқа ҳарбий хизматчи қўйилган¹.

Ҳарбий хизматчилар орасида интизомга қатъий амал қилинган. Бунинг исботини “Темур тузуклари”да яққол кўриш мумкин:

Китобнинг “Амирлик ва ҳукмдорлик мартабалари тузуки”да: “Энг яқин навкарларимдан уч юз ўн уч кишига амирлик мансаби беришни буюрдим, чунки улар асли тоза, ақл-фаросатли, баҳодир, довюрак, тадбиркор, сергак, эҳтиёткор, олди-кетини ўйлаб иш тутадиган кишилардир. Уларнинг ҳар бирига ўринбосар тайинладим. Агар амирлардан биронтаси вафот этса, у ҳолда, ўринбосари унинг ўрнига тайинланади ва уни “амирликка номзод” деб атайдилар. Менинг бу уч юз ўн уч амиримнинг бариси ақл-хуш эгалари, базму жанг шерлари,

¹Қаранг: Темур тузуклари. – Т.: «O'zbekiston», 2013. 98-99-бетлар.



махоратли саркардалар, лашкар тўпини бузиб, уни мағлуб этувчи кишилардандурлар.

Тажрибамдан синаб билдимки, жангнинг сир-асрорини, ғаним аскарларини синдириш йўлини билган, уруш қизиганда ўзини йўқотмасдан, кўл-оёғи бўшашмасдан, лашкар фавжларини жангга бошлай оладиган, агар кўшин сафига рахна тушса, уни тезда тузата оладиган кишигина амирлик ва ҳукмронликка лойиқ ҳисобланади. Шундай киши амир ул-умаро бўла оладики, мен йўғимда, тинчлигу савашда ўринбосарим бўлиб, шон-шавкат ва маҳобат билан бутун сипоҳга буйруқ бериб, унга қаршилиқ қилганларни жазолай оладиган бўлсин.

Уч юз ўн уч кишидан тўрт нафарини бегларбеги этиб, бир кишини амир ул-умаро қилиб тайинлашни буюрдимки, унинг ҳукми юришларда, урушларда амирлар ва бутун сипоҳ томонидан сўзсиз ижро этилсин. У ўзим боримда йўлдошим, йўғимда эса ўринбосаримдир. Ғайратли, орномусли бўлган яна ўн икки кишига ушбу тартибда амирлик даражасини бердим. Биринчи амирни минг кишига буйруқ бериш ҳуқуқи билан амир этиб тайинладим. Иккинчи амирни икки минг кишига буйруқ бериш ҳуқуқи билан икки минг аскарга амир этиб қўйдим. Шунга ўхшаш, учинчи амирни - уч минг, тўртинчисини - тўрт минг, бешинчисини - беш минг ва шу тартибда ўн иккинчи амиргача кўпайтириб бориб, олти мингдан ўн икки минггача аскарга амир қилиб белгиладим.

Амирлик тартибига қараб, бирини иккинчисига ноиб этдим. Масалан, биринчи амирни иккинчи амирнинг ноиби, иккинчи амирни учинчи амирнинг ноиби, шу тартибда ўн биринчи амирни ўн иккинчи амирнинг ноиби қилиб белгиладим. Ўн иккинчи амир эса амир ул-умаронинг ноиби бўлди. Амир ул-умаро эса менинг ноибим ҳисобланади. Қайси бир амирга бирор қор-ҳол бўлса, ўрнига ноиби ўтиради.

Яна буюрдимки, ўша уч юз ўн уч кишидан юзтаси - ўнбоши, юзтаси - юзбоши, юзтаси - мингбоши бўлди. Жанг пайтида амир ул-умаро - амирларга, амирлар - мингбошиларга, мингбошилар - юзбошиларга, юзбошилар - ўнбошиларга бошлиқ, деб буйруқ бердим. Шунингдек, ўнбошининг ишини - юзбошига, юзбошининг ишини - мингбошига, мингбошининг ишини - амирга, амирнинг ишини - амир ул-умарога буюрмасинлар. Ўнбоши билан битадиган ишни юзбошига, юзбоши битирса бўладиган ишни мингбошига юкламасинлар. Амирлардан қайси бири ўзи қизиқиб иш сўрар экан, унга буюрса бўлур”2, - деб ёзилган.

²Темур тузуклари. – Т.: “O‘zbekiston”, 2013. 111-113-бетлар.



“Темур тузуклари”да аскарни энг қуйи мартабадан олий мартабагача тарбиялаб кўтариш жараёни ҳақида ҳам сўз боради. Бу ҳолат Амир Темур томонидан қуйидагича изоҳланади: “Амр қилдимки, баҳодирлардан кимки қилич чопишда ўзини кўрсатса, биринчи марта бўлса - ўнбоши, иккинчи марта ботирлик қилса - юзбоши, учинчи мартасида эса мингбоши қилиб тайинласинлар. Ўнбоши кўли остидагилардан бири ботирлик кўрсатса, биринчи галда уни ўнбоши қилсинлар. Қилич чопишда ўзини ҳимоя қила туриб кўзга ташланган аскарлар бундан истиснодир, чунки хўкиз ҳам сузишганда шохини ниқтайди. Шундай экан, сипохийнинг аслу насабига ҳам қараш лозим. Агар мингбоши қилич зарби билан ғанимнинг бир фавж лашкарига шикает етказса, уни биринчи амир этиб тайинласинлар.

Биринчи амир ёв лашкари сафини бузиб, уларни тарқатиб, баҳодирлик кўрсатса, уни иккинчи амирлик даражасига кўтарсинлар. Шунга ўхшаш, қайси амир ёв лашкари тўнини тўздириб, иш кўрсатар экан, уни ўз мартабасидан юқори кўтарсинлар. Сипохийлардан кимки астойдил қилич чопса, ойлигини оширсинлар. Қайси бир сипохий урушдан юз ўгириб қочса, уни илтифотимиздан маҳрум этсинлар. Агар мажбуран чекинган бўлса, узрини қабул қилсинлар. Агар уни ваҳима босган бўлса, изза қилсинлар. Қайси сипохий, душман қаршисида қилич чопиб, яраланса, уни тақдирлаб, инъом берсинлар. Бордию яралангандан кейин қочган бўлса, унга таҳсин ўқиб, яраланганини эътиборга олсинлар. Чунки у ғанимга ҳужум қилмаган тақдирда ҳам, ёв ҳамласи вақтида жароҳатлангандир, яраси унинг не ҳолга тушганининг гувоҳидир. Қайси бир сипохий ўзини кўрсатган бўлса, рағбатлантириб ҳақини адо этсинлар³.

“Темур тузуклари”да муносибларни тақдирлаш, мартабаларини ошириш ва совғалар бериш тартиби тўғрисида қимматли фикрлар ўрин олган. Буни биз Амир Темурнинг қуйидаги сўзларидан билиб оламиз:

Амр қилдимки, қайси бир амир бирон мамлакатни фатҳ этса, ё ғаним лашкарини енгса, унга уч нарса билан имтиёз берсинлар: Фахрли хитоб, туғ ва ноғора топириб, уни “баҳодир” деб атасинлар ҳамда уни давлат ва салтанат шериги деб билиб, кенгаш мажлисига киргизсинлар. Унга чегара вилояти топирилсин ва ўша ерлик амирлар унга бўйсунсинлар. Яна амр қилдимки, жангда ўзини кўрсатиб, қаршисидаги ғаним лашкарини синдирган ҳар бир амирнинг мартабасини оширсинлар. Ва амр қилдимки, қайси бир аскар қилич чопиб баҳодирлик кўрсатса, унга инъом тариқасида гурзи, қимматбаҳо тошлар қадалган ўтоғ, камар, турна беллик қилич ва бир от берсинлар ҳамда ўнбошилиқ мартабасига кўтарсинлар. Иккинчи,

³Темур тузуклари. – Т.: “O‘zbekiston”, 2013. 113-115-бетлар.



учинчи бор баҳодирлик кўрсатса, юзбоши ва мингбоши мартабасига етказсинлар⁴.

“Темур тузуклари”да баён этилган ҳарбий лавозим ва унвонларнинг кейинги даврлардаги қўлланилиши ҳақида тарих фанлари доктори Шодмон Воҳид “Қўқон хонлигидаги унвон ва мансаблар” номли тадқиқот ишида шундай фикрларни билдирган: “Қўқон хонлигида, Бухоро амирлигига ўхшаб, Амир Темур даврида шаклланган давлат бошқарув тартиби ва тузуми мавжуд эди. Маълумки, Туркистондаги давлат бошқарув тартибининг тарихи қадимий замонларга бориб тақалади. Шарқ давлатчилиқ тузуми Ахоманийлар давридан, яъни эрамиздан олдин 6-5-асрлардан бошлаб то соҳибқирон Амир Темур давригача муайян бир тартибда бўлиб келиб, Амир Темур даврида аниқ бир низом асосига ўрнатилган эди”.

Юқоридаги фикрлар асосида шуни хулоса қилиш мумкинки, буюк ва доно саркарданинг “Темур тузуклари” асари ҳеч қачон ўз ахамиятини йўқотмайди. Унда илгари сурилган ҳарбий лавозимларни бериш ҳақидаги ғоялар Амир Темурнинг нақадар билимли, узоқни кўра оладиган, моҳир кўмондон ва раҳбар эканини яққол кўрсатиб беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Темур Тузуклари. - Т.: “O‘zbekiston”, 2014. Б. 181.
2. Ш. Ўлжаева., Амир Темур давлат бошқаруви. Ташқи сиёсат. Дипломатия. Монография. - Т., 2017. Б. 248/
3. Ҳ. Дадабоев., Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати. - Т.: “Ёзувчи”, 1996. Б. 96.

⁴Темур тузуклари. – Т.: “O‘zbekiston”, 2013. 116-119-бет.